Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 76 (7. 165) ◉ 1990 йил 3 апрель, сешанба ◉ Баҳоси 3 тийин

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА МАКТУБИ

СССР Олий Советига «Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашга оид кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имтиёзли тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилишни таклиф этаман.

Бу шунчаки етилган ижтимоий-иқтисодий муаммо эмас. Бунда гап жамиятимиз турмушининг туб масаласи тўғрисида, унинг ҳозирги куни ва келажаги ҳақида бормоқда. Бошқа соҳаларда ишларнинг аҳволи қанчалик кескин бўлмасин, оналар ва болалар тўғрисидаги ғамхўрлик ҳамма нарсадан устун туриши лозим. Уларга диққат-эътибор — ҳар қандай жамият, энг аввало социалистик жамият маданиятининг, маданийлашганлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Шунга қарамай, бизда бу соҳада йўл қўйиб бўлмайдиган аҳвол вужудга келди. Аёллар зиммасига икки томонлама — ишлаб чиқаришда ва уй-рўзғорда оғирлик тушаётганлиги, уларнинг меҳнати, саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга социал-маиший хизмат кўрсатиш етарли даражада пухта ўйлаб ташкил этилмаганлиги аёллар турмушини жиддий қийинлаштирмоқда. Уларнинг саломатлигига, оилада-ги муҳитга, болалар тарбиясига таъсир кўрсатмоқда. Давлат нафақалар ва имтиёзларининг амалдаги системаси кўпгина оилаларнинг зарур моддий фаровонлигини таъминламаяпти. Кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, болалар уйларининг ва бошқа махсус болалар муассасаларининг тарбияланувчилари айниқса оғир аҳволда.

Ҳозирги вақтда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашнинг кўп томонлама давлат программаси тайёрланмоқда. Мен ана шу программани ишлаб чиқишни жадаллаштириш тўғрисида кўрсатма бердим. Айни пайтда энг кам таъминланган оилалар аҳволини яшилаш юзасидан биринчи галдаги чора-тадбирларни ҳозирнинг ўзидаёқ ҳеч кечиктирмай амалга ошириш зарурлиги ва мумкинлигига ишончим комил.

Болаларга давлат нафақалари бериш миқдори, тартиби ва шартларини, декрет отпускалари ва болаларни парвариш қилиш юзасидан отпускалар муддатини қайта кўриб чиқишни таклаф этаман.

Давлат она-оналарга жамоат ишлаб чиқаришидаги меҳнатни болалар тарбияси билан узвий қўшиб олиб бориш имконини берадиган қулай шарт-шароитлар яратишга мажбурдир. Ўзгарувчан иш жадвалларини, тўла бўлмаган иш кунини жорий этишнинг бирмунча кенг имкониятларини қонун йўли билан кўриб чиқиш керак. Амалдаги қонунчилик бу борада болани тарбияловчи оталар, васийлар, оила бошқа аъзоларининг ҳуқуқларини чеклашини адолатсизлик, деб ҳисоблайман.

Ҳомиладор аёллар, оналар меҳнатини ташкил этиш ва уларни диспансер кўригидан ўтказишга оид кўпгина нормалар ва қоидаларни қайта кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Аёллар меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг руҳий-физиологик ва ёш хусусиятларини тўғри ҳисобга олиш юзасидан реал шарт-шароитлар яратиш учун совет ва хўжалик раҳбарларининг масъулиятини оширишни таклиф этаман. Хотин-қизлар ва ўсмирлар учун оғир ва зарарли бўлган касблар рўйхатини, йўл қўйиш мумкин бўлган меҳнат нормаларини қисқа вақт ичида қайта кўриб чиқиш, аёлларнинг тунги меҳнатидан фойдаланишни чеклаш, ёш болали аёлларга нисбатан эса буни сўзсиз амалга ошириш зарур. Зарарли ишларда банд бўлган хотин-қизлар саломатлиги муҳофаза қилинишини таъминловчи қарор-лар ҳеч кечиктирмай қабул қилиниши керак.

Болалар муассасаларини ва туғруқда ёрдам берадиган, даволаш-профилактика муассасаларини қуриш ва уларни жиҳозлашга, зарур ускуналар ва дори-дармонларни, болалар овқати маҳсулотларини чет мамлакатлардан харид қилишга валюта маблағлари сарфлашни кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Таклиф этилган тадбирларни амалга ошириш анчагина қўшимча харажатларни талаб этади. Аммо ана шу мақсадлар учун маблағларни давлат харажатларини қисқартириш ва мақбул тарзга келтириш ҳисобига қидириб топиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ёш болали миллион-миллион оилаларнинг моддий фаровонлигини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради. Республикалар, областлар, корхоналар маблағлари ҳисобига ҳам кўпгина ишларни амалга ошириш мумкин. Бу борада энг муҳими — муаммолар тегишли даражада тушунилаётганлигини баён этиш ва уларни ҳал этишга манфаатдорлик билан муносабатда бўлишдан иборат.

М. ГОРБАЧЕВ.

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛИТВА ССР ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Литва ССРнинг муҳтарам гражданлари!

Мен мамлакат учун оғир дамда сизларга мурожаат қиляпман. Литва ССР Олий Советининг шу йил 11 мартдаги қарорлари бизларнинг ҳаммамизни ларзага солди. Литванинг ҳозирги раҳбарияти республиканинг Совет Иттифоқи билан алоқасини тўсатдан узишга уринаётганлилиги, у танлаган бир томонлама ва шартлар қўйилган хатти-ҳаракатлар республикадаги барча халқларнинг — литваликлар ва литвалик бўлмаган кишиларнинг нормал турмуши ҳамда хавфсизлигини таҳлика остига қўймоқда ва мамлакатда чуқур хавотирлик уйготмоқда.

Республиканинг, унинг халқининг тақдирини белгилаб берувчи, бутун мамлакат манфаатларига тааллуқли бўлган Конституцияга тузатишлар маслаҳатлашмасдан ва муҳокама қилинмасдан бирданига, деярли бир кечанинг ўзида ҳал этилишини нормал хол деб бўладими ахир?

СССР халқ депутатларининг III съезди республика Олий Советини сиёсий мулоҳазасизликдан воз кечишга даъват этди. Литва раҳбарияти бундай соғлом фикрлашга қилинган даъватга масъулиятсиз ва ҳуқуққа зид қарорлар қабул қилишни авж олдириш билан жавоб қайтарди. Бу Литва ССРни бошқа Иттифоқдош республикаларга, умуман Совет Иттифоқига қарши қўяди, халқларимиз ўртасида тарихан таркиб топган алоқаларга ва ҳамкорликка путур етказади.

Литвада амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар ҳеч қандай мантиқий асосга эга эмас. Бундай хатти-ҳаракатлар биз совет федерациясининг туб масалаларини ҳақиқатан ҳам демократик асосда ҳал эта бошлаган пайтда оширилмоқда.

Бизнинг нуқтаи назаримиз қандай? Бу мамлакатимиз барча халқларини эркин ва ўзига хос тарзда ривожлантириш ғояларига астойдил садоқат, уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақилликка бўлган қонуний ҳуқуқларни ҳурмат қилишдан иборат. Бу Литва халқига ҳам тўла тааллуқлидир.

Ҳозирги вақтда сизларни СССР билан муносабатни узмасдан туриб, чинакам мустақиллик бўлиши мумкин эмас, деб ишонтиришга уринмоқдалар. Бунда эски гиналарни атайлаб авж олдириб, биргаликдаги турмушнинг нохуш жиҳатларини бўрттириб кўрсатмоқдалар. Тўғри, бизда ўтмишда анчагина шундай жиҳатлар бўлган, буни сизлар ҳам, бизлар ҳам қоралаймиз ва рад этамиз. Фақат Литва халқига нисбатан эмас, балки бошқа халқларга нисбатан ҳам шундай қилиш адолатлидир. Аммо ҳеч ким мамлакатимизнинг қайси бир халқи бугунги кунда онгли равишда улуғланганлигида ёки атайлаб камситилганлигида қайта қуриш сиёсатини айблай олмайди.

Биз кўп йиллар давомида ягона оила бўлиб яшадик. Ана шу вақт наҳотки фақат қоралашга лойиқ бўлса? Наҳотки, Литва адабиёти ва шеърияти, театри ва киноси, мусиқа ва архитектураси, маорифи ва спорти совет маданияти ранг-баранглигида хиралашган ва ўз қиёфасини йўқотган бўлса? Наҳотки, саноатингиз ва қишлоқ хўжалигингиз биргаликдаги меҳнатда, бошқа республикаларнинг қардошларча ёрдамида ривожланмаган бўлса? Наҳотки, қийин дамларда Литванинг ўзи бошқа халқларга дўстлик қўлини чўзмаган бўлса? Наҳотки, Литва тўла ҳуқуқли республика сифатида узоқ йиллар ҳалол ва мунтазам амал қилган СССР Конституцияси Литва гражданларининг овози билан мустаҳкамланмаган бўлса?

Литванинг ҳозирги раҳбарлари ўзларининг ажралиб чиқиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари СССРдаги бошқа республикалар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа алоқаларга таъсир кўрсатмайди деб сизларни ишонтирмоқчи бўладилар. Аммо бундай эмас. Чунки ана шу барча алоқалар мухолифлик ва шартлар қўйиш, бир-бирига ҳурматсизлик муносабатлари ва миллатлараро адоват вазиятида эмас, балки ишонч ва ўзаро ёрдамнинг қулай муҳитидагина нормал ривожланиши ва самара бериши мумкин.

СССР Конституциясини ошкора назар-писанд этмаслик, совет қонунларига қаршилик кўрсатиш, иттифоқ мажбуриятларини бажармаслик бутун мамлакатда ҳақли норозилик уйготмоқда. СССР Президенти, СССР Олий Совети, СССР ҳукумати Литвада юз бераётган воқеалар муносабати билан ғоят хавотирлик ва таажжуб изҳор қилинаётган кўпдан-кўп хат ва телеграммалар олмоқдалар. Одамлар СССР Конституцияси ҳимоя қилинишини, иттифоқни айирмачиларнинг хатти-ҳаракатлари келтираётган зарардан муҳофаза қилишни талаб этмоқдалар. Иқтисодий, сиёсий, маъмурий тусдаги самарали чоралар қўлланиш таклиф этилмоқда. Белоруссия ва Калининград областида Литва СССР таркибига кирганидан кейин унга берилган территорияларни қайтариб олиш тўғрисидаги масала қўйилмоқда.

Умуман, республиканинг ўзидаги ва унинг теварагидаги вазият фожиали тус олди. Агар ҳозир ақл-идрок овозига қулоқ солинмаса, воқеалар ҳаммамиз учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Биз бунга йўл қўймаслик муддаосида якдил бўлишимиз зарур.

Мен Литва ССР Олий Советига мурожаат қилиб, қабул қилинган ҳуқуққа зид ҳужжатларни дарҳол бекор қилишни таклиф этдим. Бу эса вужудга келган барча муаммоларни бирдан бир мақбул асосда — СССР Конституцияси доирасида муҳокама қилиш имкониятини яратади.

Мурожаатномамни Литва ССР гражданлари қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қиламан.

М. ГОРБАЧЕВ.

СССР Президентининг Литва ССР Олий Советига мурожаатномаси

Литванинг ҳозирги раҳбарияти ақл-идрок овозига қулоқ солмай, СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди қарорини ҳамон назар-писанд этмаяпти, СССР Конституциясига зид бўлган ҳамда бутун иттифоқ учун ошкора дағдаға қилувчи ва ҳақоратомуз тусдаги хатти-ҳаракатларни бир ёқлама тартибда амалга оширяпти.

Бу йўл ҳалокатли бўлиб, фақат боши берк кўчага олиб келишини яна бир бор айтмоқчиман.

Литва ССР Олий Совети депутатларини бу ҳақиқатни, Литва халқи — литваликлар ва литвалик бўлмаган кишилар манфаатлари, уларнинг хавфсизлиги ва бахт-саодати учун, бутун мамлакатимизда демократия ва жаҳонда барқарорлик тақдири учун ўзларининг тарихий масъулиятини англашга даъват этаман.

Литва ССР Олий Советининг сессиясида қабул қилинган ҳуқуқга зид ҳужжатларни дарҳол бекор қилишни таклиф этаман. Бундай қадам вужудга келган барча муаммоларни бирдан-бир мақбул асосда — СССР Конституцияси доирасида муҳокама қилиш учун имконият яратади.

М. ГОРБАЧЕВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◉ Москвада СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раисининг ўрни ҳали ҳам бўш турибди. Палатанинг 2 апрелдаги навбатдаги мажлиси палата раисини сайлашдан бошланди, бироқ ўтган жума куни бўлгани каби ана шу лавозимга кўрсатилган икки номзод (И. Д. Лаптев ва К. Д. Лубенченко)нинг бирортаси сайланиш учун зарур бўлган миқдордаги овозни ололмади.

СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьяновнинг таклифи билан депутатлар бу масалага олдин янги номзодларни ўйлаб кўриб, сўнг яна қайтишга қарор қилдилар.

Бугун тонгги газеталарда мазкур сессия иши ҳақида расмий хабарлар эълон қилинган.

◉ Республика газеталарида Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комиссиясининг раиси депутат Э. Ҳ. Халиловнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида қилган «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари тўғрисида»ги доклади ҳамда мазкур доклад муҳокамасида сўзга чиққан депутатларнинг нутқлари баёни берилган.

Миллий масалага бағишланди

● МИЛЛАТ — кишиларнинг тарихан таркиб топган умумийлиги, барқарор бирлигидир.

Яқинда Тошкент табобат институти профессор-ўқитувчиларининг «СССРда миллий муносабатлар: вазият ва истиқболлар» мавзусида илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни ТошМИ ректори, профессор, шаҳар Советининг депутати Н. Шомирзаев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Тошкент олий партия мактабининг профессори, фалсафа фанлари доктори Қ. Хоназаров «СССРда миллий муносабатларнинг муҳим муаммолари», ТошМИ профессорлари, фалсафа фанлари доктори Н. Зайниев «Миллий муносабатларда бошқариш муаммолари», фалсафа кафедраси мудири Б. Исмоилов «Миллий муносабатларда тил ва тафаккур диалектикаси», иқтисод фанлари номзоди, доцент М. Ҳамидов «Миллий муносабатларда муаммоларнинг уйғунлиги» мавзусида маъруза қилдилар. Профессорлар А. Тўхтабоев, М. Ҳамидова, доцент Я. Турмуҳамедов ва бошқалар мунозараларда қатнашдилар.

Ф. ҲОЖИҚУЛОВА.



● НИШОНДОР ИШЧИ. 10-автомобилларни созлаш заводининг Меҳнат Шуҳрати ордени соҳиби Абдувоҳид Абдураҳимов.

Т. Каримов сурати.

КПСС Устави лойиҳаси—муҳокамада

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

◉ Мунозаралар партия ҳаётида зарурий тақозога айланганлиги сир эмас. Коммунистик партиянинг янги Уставини орзиқиб кутгандилар. Ҳатто лойиҳа ҳақида ҳам баҳслар бўлиб турди. Ниҳоят КПСС Уставининг лойиҳаси билан танишган коммунистлар, шунингдек партиясизлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Қуйида Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг фикрларини келтирамиз.

М. МИРСОЛИЕВ, «Камалак» ширкатининг катта устаси:

— Устав лойиҳасини умуман маъқуллайман. У КПССнинг жамиятдаги мавқенни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Баландпарвоз гапларнинг йўқлиги учун ҳам характерлидир. Фақат бир нарсага қўшилмайман. Партия аъзолигига номзодлик ҳақида бирорта сўз тополмадим. Бундан чиқдики, КПССга кирувчилар тўғридан-тўғри аъзоликка қабул қилинаверадими? Агар шундай бўлса, ариза берганларни синамасдан, уни ўрганмасдан туриб ташкилотга аъзо қилиш маъқул эмас деб ўйлайман. Шундоқ ҳам иродасиз кишилар партия ҳаётидаги қийинчиликка чидай олмай, уни тарк этишяпти. Менимча камида 2 йил муддат синовдан ўтказиб кейин аъзоликка қабул қилиш керак. Токи партияга киришга ариза берган киши ўзини коммунистликка лойиқ эканлигини амалда кўрсатсин. Уставга ана шуни қўшимча қилишни таклиф этаман.

У. МУҲАММАДХЎЖАЕВ, бирлашма меҳнат жамоаси кенгашининг раиси:

— Уставнинг эскисидан кўра ихчам ва баъзи сўзларни олиб ташланганлиги жуда маъқул бўлибди. КПСС аъзосининг қандай бўлиши, жамиятдаги ўрни энди аниқ белгиланибди десам хато бўлмас. «КПССга аъзолик коммунистга афзаллик бермайди ҳамда гражданлик ҳуқуқлари ва эркинликларини чекламайди» деган сўзларига тўла қўшиламан. Баъзи кишилар партияга киришда ўз манфаатларини ўйлашлари ошкора бўляпти. Юқорироқ лавозим, юмшоқ курси учун коммунистликка ариза берганлар ҳам йўқ эмас. Агар имкон бўлса юқорида келтирган жумладан кейин «Партия кишиларнинг мансабга кўтарилишига, бошқаларга нисбатан яхши яшашига кафолот бермайди», деган сўзларни ҳам қўшиш керак. Ана шунда партияга кирувчилар ҳар томонлама ўйлаб ариза берадилар. Яна бир жумладан озгина эътирозим бор. Партиядан чиқарилган кишининг «Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой ичида кўриб чиқилади», дейилган. Бу муҳлат кўп, кейин аниқроқ айтилмаган. Шу жумладан «Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқилиши шарт», деб ёзилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Т. МАҲМУДОВ, «Геокабель» ширкатининг ишчиси:

— Лойиҳа анча мукаммал тузилган, лекин ҳали ҳам юмшоқ шарт ва мажбуриятлар ўрин олган. Уставга риоя қилмаган кишиларга, атайлаб бузганларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилиши керак. Бирлашмамизда атайлаб аъзолик бадалини тўламай, силлиқкина партиядан чиқиб кетаётганлар кўп. Уларни фақат партиядан ўчиришяпти, холос. Менимча бу жуда жўн усул. Янги лойиҳада ҳам «Партия аъзосининг КПССдан ихтиёрий чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан партияга аъзолик тўхталиши мумкин, бу ариза бошлангич партия ташкилотида кўриб чиқилади», деган жумла бор. Шунга қўшимча равишда партиядан чиққан кишининг меҳнат дафтарчаси ёки паспортига коммунистликдан ихтиёрий чиқиб кетганлиги ҳақида қайд этиб қўйиш керак. Токи унинг эътиқодсизлиги, иродасининг мустаҳкам эмаслиги билиниб турсин.

Суҳбатни С. ШАМСИДДИНОВ ёзиб олди.

Янгиликдан хабарингиз борми?

СИҒИМИ КАТТА, ТЎРТ ЭШИКЛИ

Ҳозирги кунда шаҳар электр транспорти тармоғини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, янги электр транспорти турлари борасида ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, кўп сиғимли, йўловчилар учун қулай, кам электр қувватли сарфланадиган вагонлар тайёрланмоқда. Бу янги маркадаги трамвайнинг ўзи қанақа, олдингиларидан нимаси билан фарқ қилади! Ана шу ҳақда сўзлаб беришни 1-трамвай депоси инженери А. Романенкодан илтимос қилдик.

— Мамлакатимизни асосан Усть-Катав вагон ишлаб чиқариш заводи трамвай вагонлари билан таъминловчи асосий корхона ҳисобланади. Бу ерда тайёрланган трамвай вагонларидан Ватанимизнинг 76 шаҳри фойдаланади. Бизнинг шаҳримиздаги пўлат изларда ҳаракат қилаётган вагонларнинг асосий қисми Усть-Катав вагон заводи маҳсулидир, — дейди суҳбатдошимиз.

— Усть-Катав вагон заводи 1989—1990 йилда янги типдаги трамвай вагонини яратди. Ҳаракат синовига қўйилган бу вагонлар сўнгги йилларда яратилган вагонлар туркумидан ўрин олди. Вагонларга бир қатор тузатишлар киритилган. Техник ҳолатининг созлиги, ҳайдовчи ва йўловчилар учун яратилган шароитлар ҳар тарафлама қулайдир. Олдинги трамвайларга нисбатан 20—25 фоиз кам электр энергияси билан ҳаракатланиши катта иқтисодий ёрдам беради. Бизларда фойдаланиб келинаётган трамвай моделлари билан таққосласак, янги вагон кузови 4 эшикли, ҳозирги давр транспорти формасида, салони катта. Йўловчилар тўпланадиган салон майдончаси кенг, болалар аравачаси ва ҳажми каттароқ юк учун махсус жойлар ажратилган. Кириш ва тушишга ажратилган эшик оралиғининг яхлитлиги йўловчиларга янада қулайлик яратади. Вагон ён томонлари катта ойналар билан жиҳозланган. Олдинги вақтларда ишлаб чиқилган трамвайлардан фарқи жуда катта. Бу турдаги электр транспорти вагонлари мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий районларида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб бизнинг шаҳримиз йўловчилари учун ҳам катта қулайлик яратади.

Ҳайдовчилар учун сезиларли қулайлик — бу кенг ва қулай кабина, унга ўрнатилган ҳозирги замон типидаги ўриндиқ, шогирд ҳайдовчилар учун ўриндиқ ўрнатишни эътиборга олиниши кабинадан тўлиқ фойдаланиш имконини яратган. Янги турдаги вагонларни фойдаланишга қўллаш орқали трамвайлар ҳаракати тезлиги соатига, яъни 5 километр ошишига, куннинг йўловчилар оқими кўп бўлган вақтида эса ҳар бир вагондан бир йўла 238 йўловчи фойдаланишига эришилади. Бу деганн ҳаракат таркибидаги вагонлар сонини кўпайтирмай, туриб, йўловчилар ташишни кўпайтириш имконига эга бўлинади.

Трамвай вагонининг янги авлоди Челябинск шаҳрида синовдан ўтмоқда. Усть-Катав вагон ишлаб чиқариш заводи 1990—1991 йилларда янги вагонлар туркумини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Биз ишонч билан шуни қайд этамизки, яқин вақтлар ичида Тошкент шаҳри аҳолиси замонавий трамвайлар ҳаракати таркибидан самарали фойдаланади.

Суҳбатдош С. АЛИЕВ.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● СОФИЯ. Бу ерда «Экология ошкоралиги» ҳаракатининг биринчи миллий учрашуви бўлди. Унда Болгария табиий муҳитини ҳимоя қилишда жамоатчилик фаол ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидланди. Учрашувда мамлакатнинг турли гўшаларидаги 50 дан ортиқ экология бирлашмасининг вакиллари қатнашдилар.

● ДЕҲЛИ. «Дунё томи»— Ҳимолай тоғлари бутун инсониятнинг мулки бўлиб, у ҳимоя қилиниши керак. Ҳиндистон пойтахтида «Ҳимолай тоғлари табиатини ҳимоя қилиш» мавзусида бўлган халқаро конференция қатнашчилари якдиллик билан шундай хулосага келдилар.

● ПАРИЖ. Париж касалхоналаридан бирининг 43 ёшли молия хизматчиси Элен Де Монферран ўзининг дастлабки романи учун Гонкур академияси берадиган янги адабий мукофотнинг биринчи эгаси бўлди. Унинг «Элоиза дўстлари» романи шу мукофот билан тақдирланди. Асар хат ёки кундаликлардан парчалар шаклида ёзилган бўлиб, унда аёллар ўртасидаги мураккаб, зиддиятли ўзаро муносабатлар ҳақида ҳикоя қилинади.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Чкалов станциясида ва Чкалов — «Ташсельмаш» станциялари оралиғида экологик вазият ёмонлашганлиги муносабати билан метрополитеннинг «Тошкент» — Чкалов қисмида электр поездларнинг ҳаракати шу йил 4 апрелдан вақтинча тўхтатилади.

«Тошкент» станциясидан «Ташсельмаш», Чкалов станцияларига йўловчиларни ташиш 22 «А» маршрутидаги автобуслар билан амалга оширилади. Автобуслар «Тошкент» станциясидан ҳар икки йўналишда Вокзалолди, Пролетар, Полторацкий, Фигельский, Карл Маркс кўчалари, 2-«Сельмаш» ўтар кўчаси, Воровский кўчаси бўйлаб метронинг Чкалов станциясига қадар барча бекатларда тўхтаб ҳаракат қилади. Автобуслар йўловчилар гавжум пайтларда 4—5 минут вақт оралиғи билан соат 6.00 дан 1.00 гача қатнайди.

КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш

МУСТАҚИЛЛИК ОМИЛЛАРИ

ХОЗИРГИ давр ўзгаришларини мулоҳаза қилиб, халқ ибораси билан айтганда, ғалвир сувдан кўтарилмоқда дейиш мумкин. КПСС Марказий Комитетининг съездолди Ҳаракат дастури лойиҳасида инсон биринчи марта ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйилди. Бироқ «Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади», деган гап бор. Негаки, илгари ҳам шундай уринишлар, хайрли ҳаракатлар бўлган. Инсонга муносиб турмуш ва меҳнат шароитлари, ижтимоий адолат, маънавий камолотлар ваъда қилинган. Лекин ана шу ялтираган чўғларнинг юзини ҳар доим кул босиб қолаверган. Улар турли қарорлар, шиорлар, даъватлар, баландпарвоз ваъдалар гирдобида ғарқ бўлаверган. Аммо нима бўлганда ҳам бу галгиси одамларда кучлироқ иштиёқ, қудратли ишонч уйғотди. Бинобарин, барча ўзгартишлару туб ислоҳотларни партия биринчи навбатда ўзидан бошлади. Шу сабабли инсонпарвар демократик социализм сари қўйилган қадамнинг шундан бошланиши халқлар кўнглига илиқлик бағишлайди. Бу қутлуғ йўл аввалгидек, олдин ўзига боқмай, ноғора қоққан аппаратчиларнинг йўлига сира ўхшамайди.

«Биз шундай маррага етиб келдикки, энди аввалги хўжалик юритиш ва бошқариш системаси кўп жиҳатдан иш бермай қўйди... «Ҳа, хўжалик юритишни, бошқаришни тўғри изга солиш, иқтисодий ислоҳотни кескин ўзгартириш, меҳнат кишисига ҳақиқий мустақиллик, озодлик, эркинлик бермоқ даркор. Бундай ноёб фазилатларни осмонда эмас, инсон яшаб турган заминда амалда барпо этмоқ лозим.

Ҳаракат дастурида ўн йиллар давомида иқтисодиёт, ижтимоий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида, жамиятнинг маънавий турмушида йиғилиб қолган муаммолар қалқиб юзага чиқади», дейилиши тўғри. Бу ўринда шуни айтиш керакки, мавжуд муаммоларни ҳозир бўлаётгандай, тала-тўплар, митингбозлик ва намойишлар, ҳатто баъзан ҳарбий кучларни ишга солиш билан ҳам ҳал этиб бўлмайди. Бундай кўнгилсиз ҳатти-ҳаракатларнинг негизи миллий масала эмас, балки сўнгги йилларда оммавийлашиб кетган ижтимоий адолатсизликдир. Халқимизда аҳиллик ва бирлик бор жойда қут-барака ҳам, имон ҳам бўлади, деган ибратли нақл бор. Ахир кенг мулоҳаза юритмаслик, шошқалоқлик, тўрачилик ва сансалорлик, хунхўрлик ва бағритошлик ишончсизлик ва лоқайдлик каби инсон табиатига зид, аслида жамиятни қўпоришга олиб келадиган ана шундай манфур иллатлардан озмунча азият чекдикми? Мамлакатни ва халқни тубсиз жар ёқасига олиб келган ана шу номатлуб хатти-ҳаракатлар эмасми?!

Келгуси йилдан бошлаб жумҳуриятимиз хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлайди, деб эълон қилдик. Бу амалда иқтисодий мустақиллик шароитида ишлашни тақозо этади демакдир. Бу ўзидан бўладиган иш эмас, албатта. Бунда Болтиқбўйи жумҳуриятларининг иш тажрибаси ва муаммоларини ҳам ҳисобга олмоқ зарур, деб ўйлайман. Чунки ўша регионларда ҳозирнинг ўзидаёқ электр энергиясидаги узилишлар, қоғоз ва таъминотдаги бошқа чигал масалалар кўзимизни каттароқ очиб, етти ўлчаб бир кесишни, масалага жиддийроқ қарашни, мустақилликни қай йўсинда олиб бориш, уларни ҳал этиш йўл-йўриқларини пишиқ-пухта ишлаб чиқишни талаб қилади.

Келинг, масалага очиқ кўз билан қарайлик. Ақалли нарх-навода ҳозирги номутаносибликни олинг. Иқтисодий мустақилликка ўтиш йўлидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари барқарор бўлиб турган бир пайтда, инсоният воситалари, минерал ўғитлар ҳамда жумҳуриятимизга четдан келтириладиган бошқа нарсаларнинг харид нархлари бир неча баробар ошиб кетганлигини нормал ҳол деб бўладими? Ёки мана шу пахтанинг ўзини олиб кўрайлик. Очиқ гап, биз асосий эътиборни пахтага қаратиб, бошқа жуда кўп ризқ-рўз манбаларимиздан маҳрум бўлдик. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 45 фонзи қашшоқлик ва камбағаллиқда чор-ночор ҳаёт кечираётган экан, бунда пахтанинг улуши йўқ деб ким айта олади? Бунинг устига биз «оқ олтин»ни олтин баробарида эмас, сув текинга сотяпмиз. Тўғри, пахта бизнинг миллий нефтхоримиз, аммо биз учун миллий бойлигимиз бўлмай қолди. Ахир 80—90 фоиз пахта четга чиқариларб турган бир пайтда, унинг ақалли 30 фонзи ҳам жумҳуриятда қайта ишланмаётганда, қандай миллий бойлик, қандай даромад ҳақида гап бўлиши мумкин?!

Кейинги вақтда пахтанинг харид нархи қисман оширилди. Бу яхши. Аммо — харид нархларнинг оширилиши, фикримча, жумҳуриятимиз иқтисодий мустақилликни йўлидаги барча муаммоларни ҳал этиб беролмайди. Авваламбор, жумҳуриятни марказ саноат корхоналарига тобелигига тўла ёки қисман барҳам бермоқ керак. Ўлканн хом ашё етказиб берувчи база «имтиёзидан» маҳрум қилмоқ лозим. Ана шунда мустақиллик ҳам бўлади, ишсизлик ҳам барҳам топади, бойлик ва фаровонлик ҳам юзага келади.

Мен бу ўринда пахта толасини, пилла, қоракўл терилари, ер усти ва ер ости бойликларини, уларга сарфланган меҳнат ва уларнинг аъло даражадаги сифатига қараб баҳолашни, шунга яраша ҳақ тўланишини назарда тутаман. Энг оддий бир мисол. Пахта шелухасини олиб қаранг. Биздан унинг ҳар бир тоннасини бор-йўғи 2 сўмданга сотиб олишади. Жумҳуриятнинг ўзи ана шундай чорва озуқасига мухтож бўлсаю, ўлка аҳолисининг гўшт истеъмол қилиши иттифоқ миқёсида истеъмол қилинадиган гўштдан бир неча баробар кам бўлган шароитда шундай «адолатлиқда чор-ночор ҳаёт кечираётган экан, бунда пахтанинг улуши йўқ деб ким айта олади? Бунинг устига биз «оқ олтин»ни олтин баробарида эмас, сув текинга сотяпмиз. Тўғри, пахта бизнинг миллий нефтхоримиз, аммо биз учун миллий бойлигимиз бўлмай қолди. Ахир 80—90 фоиз пахта четга чиқариларб турган бир пайтда, унинг ақалли 30 фонзи ҳам жумҳуриятда қайта ишланмаётганда, қандай миллий бойлик, қандай даромад ҳақида гап бўлиши мумкин?!

Шу сабабли улар ҳам аҳволни ўнглай олмади. Харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмади. Филиаллардаги меҳнат шаронти ҳозирги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Атроф-муҳитга зарарсиз замонавий дастгоҳлар қуриш, қўшма корхоналар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Наҳотки, сабзавот ва мева-чева бой бир ўлкада жаҳоннинг хоҳлаган мамлакатида харидоргир қиём ва мурабболар, сархил консерва ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб бўлмаса?! Иложи бор, албатта. Марказқўмнинг Ҳаракат дастурида айтилганидай, шундай қилинса Иттифоқдош жумҳуриятларнинг «мустақиллигини реал суръатда бойитиш»га муваффақ бўлинади.

Жумҳуриятдаги демографик аҳвол ҳам кишини анча ташвишга солади. Фаровонликнинг ошишидан, хўжалик ҳисоби, иқтисодий мустақилликдан одамлар фақат наф кўриши керак. Бугунги кунда Ўзбекистонда 20 миллион аҳоли яшамоқда. Ҳар йили 550—600 минг киши ҳисобига аҳоли сони кўпаймоқда. Лекин, моддий манфаатдорлик аҳоли эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Қишлоқларимизда яшовчи аксарият кишиларнинг ойлик маоши 70 сўмдан ошмайди. Кўпчилик одамлар нжтимоий-фойдали меҳнатга жалб этилмаган, Аҳоли пунктларининг деярли ярмида мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари етишмайди, улар касалхоналар, замонавий тиббиёт масканлари, малакали шифокорлар билан таъминланмаган. Ичимлик тоза сув танқис, газ, канализация тармоқлари йўқ. Бу ва шунга ўхшаш бошқа муаммолар ҳақида амалда қайғуриш пайти аллақачон келди.

Марказқўмнинг Ҳаракат дастурида «Республикалар иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмасалар уларнинг реал суверенитети ҳал бўлиши мумкин эмас» деб тўғри кўрсатилган. Реал суверенитет жумҳуриятнинг халқаро муносабатларини мустаҳкамлашни ҳам кўзда тутиши лозим эмасми? Афсуски, Ҳаракат дастурида бу масалага етарлича эътибор берилмаган. Ўзбекистон ҳозирги вақтда турли мамлакатлар билан маданий алоқалар ўрнатган. Лекин бугунги кунда бунинг ўзи етарлими? Нима учун Ўзбекистон ҳукумати, айтайлик, тинчликни, турли халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар билан чиқа олмайди. Ўз вақтида «Тошкент руҳи» тушунчаси машҳур эди. Жумҳуриятимиз пойтахти Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари тараққийпарвар кучлари, зиёлиларнинг учрашув жойига айланиб қолган эди. Сўнгги вақтларда бу анъаналар унутила бошланди. Ўзбекистон ҳозирнинг ўзида қитъада ва жаҳонда кўпгина можароли масалаларни ҳал қилишга реал ҳиссасини қўшиши мумкин эди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида «Инсонпарвар, демократик социализм сари» шиори олға сурилган. Иттифоқдош республикаларнинг ҳақиқий мустақиллигисиз бу мақсадга эришиш қийинлиги ҳозиргаммага маълум. Шунинг учун бу мустақилликни таъминлайдиган омиллардан тўла фойдаланиш даркор.

Э. ШАЙХОВ,
Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ректори, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

ДЎСТЛИК РАМЗИ

Суратли репортаж



«Марказ—15» янги турар жой массивининг қурилиши бошлаб юборилганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Бинокорлар бу ерда 9 қаватли уйларни ишга туширишни жадаллик билан олиб бормоқдалар. Бош пудратчи 2-уйсозлик комбинатига қарашли 60-қурилиш бошқармаси уйсозлари эндиликда ёрдамчи пудратчилар билан ҳамкорликда 18 та чиқиш жойидан иборат бўлган 9 қаватли бинони монтаждан чиқаришмоқда. Шу бинонинг 76 квартирали қисми яқинда фойдаланишга топширилди. Қолган қисмларида эса ер остидаги, устидаги блокларни монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда. Ертўлани монтаждан чиқаришда айниқса Валерий Пузиренко бошлиқ бригада бинокорлари фидойилик кўрсатишмоқда. 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг Костя Попов бошлиқ комплекс бригадаси тиклаётган қаватлар ҳам ой сайин юксалиб бормоқда. Монтаждан чиқарилган жойларга бир вақтнинг ўзида шу комбинатнинг 2-пардозлаш бошқармаси пардозловчилари сайқал беришаяпти. Суворов қилиш, бўяш, эшик ва ромларни ўрнатиш ишлари билан шуғулланишмоқда.

Қурилиш участкасида меҳнат қилаётган бригадалар турли миллат вакилларидан ташкил топган. Уларнинг қураётган бинолари шунга монанд дўстликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

⊙ **ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҚУРИЛАЁТГАН УЙ. СУРАТЛАРДА:** пардозловчилар Рашид Гапиров билан Миллер Яков ром ўрнатмоқда; Валерий Югай ва Боқижон Эрматов қаватларнинг кун сайин юксалаётганидан мамнун; бинонинг тайёр қисми.

Муаллиф суратлари.





Жумҳуриятимиз янгиликлари

⊙ ТЕРМИЗ. Бу ерга биринчи классни ТУ—154 ҳаво кемаси илк бор келиб қўнди. У Тошкентдан техникавий синов тариқасида учиб келганди. Шундай қилиб, термиз аэропортида бунёд этилган уч километрли учиш-қўниш йўлкаси бўлган янги комплекс сўнгги синовдан ўтказилди.

Энди жумҳуриятимизнинг энг жанубий шаҳри Москва, мамлакатимизнинг турли регионлари билан бевосита ҳаво йўли орқали алоқа боғлайди. Пассажирлар ташишгина эмас, айни вақтда юклар, энг аввало қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш ҳам анча кўпаяди. Апрель ойининг охирларидаёқ эртанги карамнинг дастлабки туркумини Сурхондарёдан ташқарига жўнатиш режалаштирилган. Йил мобайнида ИЛ—76 юк самолётларида мамлакатимиз пойтахтига, РСФСРнинг марказий қисмидаги бошқа шаҳарларга, шунингдек Сибирь ва Узоқ Шарққа 250 минг тонна янги узилган сабзавот, мева, узум ва полиз экинлари етказиб бериш мўлжалланмоқда.

⊙ Ангрендаги «Железобетон» кооператив бирлашмасида «Берёзка» мактабгача тарбия болалар комбинати ишлай бошлади. Бу группага шамоллашдан эндигина тузалган болалар қатнайдилар. Тарбиячи ва энагадан ташқари, болалар малакали врач-педиатр кузатувида бўладилар. Бу, кичкинтойларнинг тез тузалиб кетишлари учун ишончли кафолат бўлади.

⊙ Қўнғирот темир йўл вокзали реконструкциядан кейин ўзгариб кетди. Бу ерда кутиш зали ва чоғроқ меҳмонхона очилди. Энди поездни кутаётган йўловчилар телекўрсатувларни томоша қилишлари, янги газета ва журналларни ўқишлари мумкин.

⊙ Андижонлик тикувчилар билан «Росторгодежда» бирлашмасининг ходимлари маҳсулот катта туркумини етказиб бериш тўғрисида шартнома тузидлар. Андижон халқ истеъмоли моллари фабрикасида тайёрланадиган кўрпалар Кемерово ва Оренбургда, Новосибирск ва Новокузнецкда жуда харидоргир ҳисобланади. Бу йил андижонликлар фақат шу шаҳарларга 2 миллион сўмлик маҳсулот жўнатадилар.

⊙ Қўқон чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси Италия фирмалари билан фойдали шартнома тузди. Ускуналарнинг бир қисми — хом ашёга суюқлик билан ишлов бериладиган осма барабанлар—ҳозирнинг ўзидаёқ корхона цехларига келтирилди.

[ЎзТАГ].

ХУШХАБАРЛАР

⊙ **Тошкентдаги «Оптика» ишлаб чиқариш-савдо корхонасида тайёрланаётган қора кўзойнаклар машина ҳайдовчиси учун қулайлик яратишга ёрдам беради.** Бу кўзойнак кўзни қуёшдан, рўпарадан келаётган машиналар чироқларини нуридан асрайди. Корхона мутахассислари ишлаб чиққан янгиликни офтальмологлар яхши баҳоладилар ва ундан амалда фойдаланила бошланди. Сотувга чиқарилган кўзойнакларнинг дастлабки туркуми жуда тез сотиб тугатилди. Қўшни республикалардан ҳам буюртмалар келаяпти.

⊙ **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш ниженерлари институтининг олимлари чигитнинг унниб чиқиш сифатини оширишга ёрдам бердилар.** Бу ерда экин экиш учун ариқ очишда фойдаланиладиган якка дискли плуг тиши ишлаб чиқилди. Уруғлик тупроққа зич ўрнашиб, ариқ ёқасида бир текисда, муайян оралиқда жойлашади. Натижада, экишда нобудгарчиликка йўл қўйилмайди, кейинчалик қатор оралатиб ишлов бериш ва механизмлар ёрдамида пахта териш осонроқ бўлади. Синовлар янгилик бир гектар ердан олинадиган пахта ҳосилини 2,5 центнер оширишини кўрсатди.

ҚАРИЯЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

⊙ СОБИР Раҳимов районидаги «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида 30 дан ортиқ Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари истиқомат қилишади. Уларнинг баъзиларини уйида иссиқ-совуғидан хабар олиб турувчилар йўқ. Шунингдек уйларида ёлғиз, зерикиб ўтирадилар. Шуларни эътиборга олиб маҳалла комитети (комитет раиси Низом Алимов) маҳалла чойхонаси ёнига алоҳида «Ветеранлар хонаси»ни ташкил этди. Хона янги кўрпача, ёстиқ ва бошқа палослар билан безатилди. Хона телевизор, радиоприёмник, газета ва журналлар билан таъмин этилди. Қисқаси ҳар куни эрта билан соат 9 дан кеч соат 6 гача 15 га яқин ветеранларни ҳушнуд қиладиган жойга айлантирилди. Ҳатто бу ерда отахонлар ўз истакларига ёқадиган таомни ҳам тайёрлаб тамадди қилишлари мумкин. Ветеранларни қанд, шакар, гўшт ва бошқа маҳсулотларни маҳалладаги 18-магазин ходимлари таъминлаб туради.

Маҳалла комитетининг бу ғамхўрлигидан мамнун бўлган маҳалла ветеранлар кенгашининг раиси, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Муҳиддин ота Обидов шундай дейди:

— Маҳалламизда чойхона бўлишига қарамай маҳалла комитети ветеранларимизга катта эътибор бериб омонат кассадан бўшаган хонани яхшилаб ремонт қилиб берди. Биз учун зарур бўлган барча буюмлар тўла таъмин этилди. Ветеранлар хонасининг энг яхши томони шундаки, ҳар куни телевизор, радио ёки ветеран педагог Фахриддин ака Нуриддиновнинг янги-янги ахборотини эшитиб турамиз. Айниқса, ветеранларимиздан Ғани ака Қодиров, Абдураҳим Мирзаев, Абдуғани Ҳафизов, Маҳмуд ака Муҳамедов, Обиджон Муслимов, Рихси ака Обидов, Вали Ҳафизов ва бошқалар маҳалла комитетидан миннатдор.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
меҳнат ветерани.

ИСТАГИМИЗ РЎЁБГА ЧИҚСА

⊙ ЎТГАН йилнинг охирлари ва январь ойидаги сонларда Тошкент шаҳрида 1990 — 1995 йилларда бўладиган қурилиш бўйича ўзгаришлар ҳақида жуда кўп мақолалар берилди, турли лойиҳалар ҳақида фикр юритилди.

Биз яшайдиган маҳаллада уйлар эски бўлишидан қатъи назар метро қурилиши ҳамда Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига мўлжалланган монумент туфайли кўчалар, уйлар бузилиб, аҳоли яшовчи уйлар ёлғизланиб қолган. Бу уйларда ҳеч қандай шароитлар йўқ. Ёнатрофи бузилган кўчалар...

Мен 1980 йилда Октябрь район ижроия комитетига турар жой масаласида мурожаат қилдим. Табиийки, улар рад жавобини беришди. Улар «Уйингизни ремонт қилиб яшайверинг, яқинда бузилади», деб айтишганди. Лекин ўша жавобни эшитганимизга ҳам мана ўн йил бўлди.

Навоий, Абай, Фурқат, Халқлар дўстлиги кўчалари оралиғидаги майдонда қандай қурилишлар бўлиши бизга номаълум. Қолаверса, Тошкент шаҳрининг қайси бурчагида қайси вақтда қурилиш ишлари бошланиши ҳақида газета саҳифаларида тез-тез маълумот бериб борилса. Биз айниқса Тошкентнинг келажаги, «Шаҳримиз қандай бўлиши керак» рубрикаси остида берилаётган материалларни қизиқиш билан ўқиб боряпмиз. Орзуимиз — ҳамшаҳарларимизнинг истакларини тезроқ рўёбга чиқса ҳамма оилалар ҳам шароитлари яхшиланган турар жойларга эга бўлишса.

Н. АЗИМОВ.

ҚАЧОНГАЧА КУТАМИЗ?

⊙ ЎТГАН йилнинг декабрь ойида чоп этилган «Эски Тошкент қайта яшаради» мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Бу мақоладан Тошкент шаҳрининг жуда кўп эски кўчалари бузилмаслигини билдим. Биз Эски шаҳарнинг Чақичмон кўчаси, 4-уйида истиқомат қиламиз. Ҳовли майдони 85—86 квадрат метрни ташкил қилади. Бу ерда 3 та оила, ҳаммаси бўлиб 25 киши яшаяпти.

Мақолада ёзилишича, Чақичмон даҳасидаги эски уйлар чет эллик туристлар ва бошқа меҳмонлар учун тарихий ёдгорлик сифатида сақлаб қолинаркан. Биз бундан ниҳоятда хурсанд бўлдик. Лекин ҳовлимиз бузилади деб квартира олиш учун ҳеч қаерга навбатга турмагандик. Ахир, уйимиз — бузилганда ҳар бир оилага алоҳида квартира берилиши тайин эди-да. Бизнинг оиламиз — мен, турмуш ўртоғим ва икки фарзандим бир хонада яшаймиз. Рости, жуда тиқилиб қолганмиз. Шу ер ҳам меҳмонхона, ҳам ошхона, ҳам ётоқхона ҳисобланади. Агар Чақичмон даҳасидаги ҳовлилар ёдгорлик учун, қолдирилган бўлса, бундан буён нима қиламиз?

Р. УМАРОВА.

ҲУЖАКЎРСИНГА ҚЎЙИЛГАН

⊙ КАЛИНИН даҳасининг Тошкент Ҳалқа йўли билан кесишган жойида янги бекат ишга туширилганда беҳад қувонган эдик. Бу ерда бўлувчилар энди қишли-қировли кунларда очиқ майдондан зорланишмайди деган фикрга боргандик. Афсуски, қувончимиз узоққа чўзилмади. Бекатда кейинчалик шошилинч равишда олиб борилган қурилиш ишларининг миси чиқиб қолди. Аввало бекат соябонини тиклашнинг ўзидаёқ катта хатога йўл қўйилган. Унинг нима учун қурилганидан ҳозир ҳатто йўловчилар тугул ҳайдовчилар ҳам қаттиқ ҳайратланишмоқда. Чунки соябон йўловчиларни қишда қордан, кузу баҳорда ёмғирдан асрай олмайди. Шундай экан, давлат маблағини ҳавога совуриб, бекатга соябон қуришнинг нима кераги бор эди? Шу ҳақда ўйлаб бенихоятлар ташвишга тушаман. Негаки, ишнинг катта-кичиги йўқ. Иштиёқ ва ҳафсала бўлса ҳамма нарсанинг уддасидан чиқиш ҳеч гап эмас. Ахир бекатдаги соябонни қуришнинг ўзига шунчалик енгилелпи қаралганидан кейин бошқа катта-роқ қурилишнинг аҳволи не кечишини ўйламасак ҳам бўлар эканда!

Р. ИНОҒОМОВ,
химё фанлари номзоди.

ХУРМАЧА ҚИЛИҚ

⊙ БИЗ Тошкент шаҳрининг Ҳамза районидаги «Янгиобод» ўрамида яшаймиз. Ўрамда Миршаропов, К. Алиев, Айриев, Ткаченко, «Мусаффо», «Иззат» «Паҳлавон» номи билан аталувчи йигирмадан ортиқ кўчалар бор. Буларнинг ҳаммасида эллик мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Биз яшаётган жойда кейинги вақтда электр чироқларининг тез-тез ўчиб туриши одатдаги ҳолга айланиб қолди. Бу нарса кошки ойига бир марта рўй берса, алам қилмасди. Буни қарангки, электр чироқлари ҳафтада бир-икки, ҳатто уч марталаб ўчиб қоляпти. Яна қачон,қай вақтларда денг: кўпроқ шанба ва якшанба кунлари телевизорда «Время» кетаётган, долзарб мавзу ва қизиқарли кўрсатувлар намойиш этилаётган паллада тўсатдан ҳаммаёқ зимистон бўлиб қолади. Ўтган ойнинг 7, 14 ва 16 кунлари кеч соат 21.35 да ўчган чироқ эртасига кундузи соат 15 ларда ёнди. Январнинг 23 ва 25 кунларида ҳам Москвадан «Время» кўрсатувини кўра олмадик.

Гапнинг қисқаси, бизнинг Миршаропов номидаги маҳалламизда бундай хурмача қилиқлар бир ойда ўн мартагача такрорланмоқда. Шуниси қизиқки, ўрам ва маҳаллада чироқ батомом ўчгач, ёнимиздаги завод-фабрика ва корхоналардаги чироқлар чақнаб, «асабимизни» ўйнатади. Ҳайронман Ҳамза район электр тармоқлари идорасининг мутасадди раҳбарлари яна қачонгача ўзларининг бепарволикларидан бизни шундай қийин аҳволга солишаркин? Ёки улар хизмат жойларида ва уйларида электр энергиясидан фойдаланишмайдими?

У. УМАРАЛИЕВ,
Ҳамза районидаги Миршарипов номли маҳалла фаоли.

ЁЗДА ЧАНГ, ҚИШДА ЛОЙ

⊙ Мен Ҳамза районининг Оҳанграбо кўчасидаги 51-уйда тураман. Шу жойда яшаётганимга ўн бир йил бўлди. Шу пайтгача бирор марта бу ерда депутатлар билан учрашув бўлганини билмайман. Кўчамизнинг асфальтланганига 15—20 йил бўлган бўлса керак. Машиналар ўтаверип ўнқир-чўнқир бўлиб кетган. Бутун Оҳанграбо кўчаси бўйича юздан ошиқ симёғочлар бўлса, шулардан ўн-ўн бештасидагина чироқ ёнади. Шахсан ўзим 1986 йилдан бери район ободонлаштириш бошқармасига ёрдам сўраб мурожаат қилиб келаман. Бироқ ҳалигача натижа йўқ. Ўзим шу атрофда жойлашган «Сказка» боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайман. Агар шу боғчада уч юздан ошиқ бола бўлса, ярми шу маҳаллада туради. Баъзи бир оиладан икки-учтадан бола боради, боғчага.

Ҳар йили кабель ўтказиш баҳонасида йўллар кавланавериб сийқаси чиқиб кетган. Ийлимиз қачон тартибга келади?

М. ТОҲИРОВА.

БОР ОТАНГА, БОР ОНАНГГА

⊙ ҲУРМАТЛИ редакция! Мен 1957-60 йиллар давомида ҳозирги агрегат заводида ишлаганман, 1984 йил эса меҳнат дафтарчамни йўқотиб, янгисини олган эдим. Ўша пайтда кадрлар бўлимидагилар «Илгари ишлаган жойингиздан гувоҳнома келтириб беринг. Меҳнат дафтарчангизга ёзиб қўямиз» деб айтишди. Мен уларнинг айтганини қилиб гувоҳнома олиб келиб бердим. Ўша агрегат заводи томонидан берилган гувоҳномада исми-шарифимда битта ҳарф ортиқча бўлиб қолган. Завод архивидаги ҳужжатларда ҳам шундай ёзилган экан. Ҳозир эса қарилик нафақасига чиқишим сабабли исмимни тўғрилатиш учун нотариусга мурожаат қилдим. У ердагилар «Ҳеч қандай ҳужжат тасдиқламаймиз» деб айтишди. Шундай қилиб, уч ярим йиллик стажим бекор бўляпти. Энди қаерга учрашай?

И. ҲУЖАЕВ.

САВОЛИМИЗ ЖАВОБСИЗ ҚОЛДИ

⊙ ШАҲРИМИЗНИНГ Усмон Юсупов кўчасида «Алоқа техникуми» бекати бор. Ушбу бекат атрофида мактаб, институт, алоқа техникуми, боғча ва бир қанча идоралар жойлашган. Шунинг учун ҳам у одамлар билан ҳар доим гавжум бўлади. Трамвай, троллейбус, автобус ва хусусий машиналарнинг кети узилмайди. Бир вақтлар талаб-истакларимизга мувофиқ бекатга темирдан тўсиқ ўрнатилган эди. Орадан бир йил ўтганидан кейин тўсиқни қандайдир безорилар бузиб кетишди. Кейин кимлардир тўсиқнинг темирларини олиб кетганича қайтариб келмади. Ушбу бекатнинг хавфли томонлари ҳам йўқ эмас. Трамвайдан тасодифан тушган одамнинг машина ғилдираклари остида қолиб кетиши ҳеч ган эмас. Тўғри, 3—4 жойга белги қўйилган. Шундай экан соатига 40 километр тезлик билан юриш керак. Кошки шофёрлар унга эътибор беришса. Баъзи танти ҳайдовчиларнинг 80—100 километр тезликда ҳайдашганини кўриб ёқа ушлайман. Бирорта ГАИ ходимини кундуз куни чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда улар кўчамизга бир ҳафтада бир маротаба келиб турсалар тартиббузарликка чек қўйиларди. Чунки бу кўчада трамвай кутиб турувчилар ичида ёш болали хотинлар, қариялар, пенсионерлар жуда кўп. Шунча вақтдан бери бекатдаги тўсиқни ўрнатишни пайсалга солинаётганига ҳайронман. Илгари ҳам газета орқали шу мавзуда танқидий чиқиш қилинган эди. Аммо илтимосларимизни мутасадди раҳбарлар инобатга олишмади. Арзимаган ишга шунчалик ташвишсиз тўсиқ билан соябон бекатга қачон ўрнатиларкин?

Н. МУҲИДДИНОВ,
В. П. Чкалов номли самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат ветерани.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Инсон—мўъжиза

ҚЎЛЛАРДАГИ СЕҲРЛИ НУР



ДУНЁ чексиз-чегарасиз бўлгани каби, унинг мўъжизалари-ю сир-асрорларининг ҳам ҳад-ҳисоби йўқ. Инсоният Ер юзида пайдо бўлибдики, олам, ҳаёт, яшаш ва умр сирларини ўрганиб, мўъжизаларни табиат ўзи яратишини ҳис этган. Одамлар ундан яна ажойиботлар яратиб, кундалик турмушда фойдаланиб келадилар. Она табиат одам боласига инъом этган сирли мўъжизаларни илғаб олиш ва ҳаётга тадбиқ этиш учун ақлзаковот билан бирга, ўткир зеҳн-зийраклик ҳам керак. Шундай одамлар борки, уларнинг қалбини гул, кўзини нур, қўлини енгил деймиз. Оддий шифокор Юлдузхон Аҳмаджоновада ана шундай қобилият борлигини эшитиб, кўриб, кўп беморлар соғлигининг тикланиши тажрибасидан хулоса қилиб: «Қўлларида шифобахш нур бор», деган гапнинг ҳақиқий эканига имон келтирдим.

Илм-фанга ҳали даволашнинг кўпгина сирли усуллари маълум бўлмаган қадим пайтларда кишилар: «Фалончи одамли», «Фалончига уқалатиб-қоқтириб ташлатсангиз, тузалиб кетасиз, қўли енгил, «Фалончининг нафаси ўткир, руҳингизни кўтариб, дардингизни олади», дейишарди. Қарангки, бионур ва биотўлқин деган гаплар ҳаётимизга кенг миқёсида кириб келди-ю, шундай қобилиятли Муяссар, Муҳаббатхон, Жуна, Чумак, Кашпировский ва каромат чи Вангалар тиббиёт билан инсон руҳиятида тўлқинлар уйғотишди. Қадимда айтиб юрилган «одамли», «қўли енгил», «нафаси ўткир» кишиларда аллақандай сирли синоат ва салоҳият борлигини сезиб қолдик.

Шифокор Юлдузхон Аҳмаджоновада ҳам худди шундай бўлди. У ўзининг нафис қўлларида ҳаётбахш нур борлигини билмас эди. Бу синоатни у биринчи бор қизиқ бир воқеа туфайли сезиб, ҳайратда қолди. Келинг, ўша кунги тасодифни Юлдузхоннинг ўзидан эшитайлик.

— Бир кун кечқурун яқин дугонам қизи Маъфиратхоннинг тоби қочганини айтиб, уйига чақирди. Қўргани бордим. Маъфират чап оёғи қаттиқ оғриётгани ва томир тортишаётганидан зорланди. Мен оёқларини қўл тегар-тегмас силаб, уқалай бошладим. Бир пайт қизча кулиб: «Юлдуз опа, қўлингизда дори-пори борми, оёғим жимирлаб, қизиб кетдику», деди. Дам ўтмай унда оғриқ қолди. Яна бир-икки муолажадан кейин Маъфиратхонда оёқ оғриқдан асар қолмади. Шундан сўнг, менда шундай қобилият бор эканми, деган хаёлда ўзим ишлайдиган 33-поликлиникада бир неча беморда даволаш усулини синаб кўрдим. Очиғи ҳамма синовда қўлимда бионур борлиги ва беморларга бу яхши таъсир қилгани мени қувонтириб юборди.

Ажойиб салоҳиятли Юлдузхон Аҳмаджоновананинг ҳаёт йўли шифокорлик билан боғлиқ бўлди. У бундан ўттиз йилча илгари Тошкент шаҳридаги 141-мактабни олтин медаль, сўнг Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетини аъло баҳолар билан тугатиб, шундан бери халқимиз саломатлиги йўлида ҳалол хизмат қилиб келяпти. Турмуш ўртоғи Ўткиржон Аҳмаджонов ҳуқуқшунос, қизи Нилуфархон ва набираси Нодирбек Юлдузхон оиласининг қувончлари, ҳаммалари эл-юртга фидокорлик кўрсатишади. Оилада Юлдузхоннинг қўлида бионур борлиги билингач, уларга бу яна бир қувонч бағишлади.

Юлдузхон шаҳардаги қайси шифохонада ишламасин, халқ ичида бўлди, минглаб беморлар дардига даво топди. Мана, ўн беш йилдан ошдики, у Собир Раҳимов районидаги 33-поликлиникада ишлаб келяпти. Камтарлиги, самимийлиги, беморларга ширинсуханлиги билан жуда яхши ҳурмат топди.

Толеъдин яна бир бахт келиши мумкин. Юлдузхон ҳаётида шундай бир бахт юлдузи чарақлади. Унинг қўлларида шифобахш нур бор экан. У мана шу табиий қобилиятдан фойдаланишни чуқур билиш мақсадида Москвадаги машҳур экстрасенс, халқ тиббиёти доктори Жуна Давиташвили илмий методик марказига борди. Бу марказда у таҳсил олиб, қўл нури билан даволаш сирларини ҳар томонлама ўрганди ва махсус гувоҳнома (диплом) олиб қайтди, энди у I даражали шифокор, ҳам экстрасенс шифокор бўлди.

Илмий тиббиёт, қолаверса Юлдузхон Аҳмаджонова каби экстрасенсларнинг ҳаётбахш қўлларининг нури инсонларга шифо бераверсин.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

СУРАТДА: Юлдузхон Аҳмаджонова беморни текширмоқда.

Илм масканларида

ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

⊙ ЁШЛАРНИНГ маънавий ўсишларини таъминлаш мактаб таълим-тарбия ишининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Зотан ўқувчиларга ҳар томонлама пухта билим бериш билан бирга уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш педагогик коллективлар олдида турган долзарб вазифадир. Шу сабабли ҳам билим масканларида бу масалага эътибор кучайди.

«Мактаб — билим, маънавий-ахлоқий тарбиянинг маркази» мавзуида шаҳримиз миқёсида ўтказилган семинар-кенгашда бу борада қилинаётган ибратли ишлар атрофлича кўриб чиқилди. Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти белгилаган бу кенгашда илғор педагогик коллективлар оширган тажрибалар умумлаштирилди.

Шаҳар мактаблари раҳбар кадрлари учун мўлжалланган бу йиғинда умуммақсадли дарс программасини амалиётда қўллаш, педагогик ва ўқувчилар коллективида умуминсоний маданиятни ўстириш, ўқувчи маънавиятини тарбиялаш каби муҳим масалалар хусусида яхши фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, болалар маънавиятини камол топтиришга қаратилган иш программалари ҳам кўриб чиқилди.

А. АКБАРОВ.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

⊙ КУЙБИШЕВ районидаги 36-ўрта ҳунар-техника билим юрти билан ҳамкорликда иш олиб бораётган олий ўқув юртлари яна биттага кўпайди. Бунга ўқув масканидаги химия лабораториясига йўл очди. Шу соҳа бўйича шуғулланаётган ёшлар ёзги имтиҳонлардан муваффақиятли ўтгач икки йил билим юртида таҳсил олишади. Сўнгра Тошкент Давлат дорилфунунининг химия факультетида ўқишни давом эттиришади. Ёзда ана шу курсга 30 ўқувчини қабул қилиш мўлжалланмоқда.

Тажрибанинг ўзини оқлашига умид бор. Ўтган йилнинг сентябридан билим юрти жамоаси машинасозлик институти билан ҳамкорлик қила бошлаган эди. Ўртада ишлаб чиқилган шартномага кўра кенг ихтисослашган станокчи бўлимига қабул қилинганлар дастлабки босқичда ўз фаолиятларини бошлаб юборишди. Улар икки йил билим юртида назарий билимларни эгаллагач, машинасозлик институтида яна 5 йил таҳсил олишади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга берилган талабалик билетининг муддати 7 йил.

Билим юртида ана шу тарзда кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга эътибор кучайтириб борилмоқда. Шу билан бирга ликда ўқув базаси ҳам мустаҳкамланаяпти. Яқиндагина дарғадгорчилик устахонаси қурилиб ўқувчилар ихтиёрига берилган эди. Эндиликда эса сув ҳавзаси, усти ёпиқ мерганлик зали ишга туширилмоқда.

О. МАХМАЮСУПОВ.

БОЛАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ

⊙ КЕЙИНГИ йилларда ўзбек киносанъаткорлари болаларга қатор яхши бадиий ленталарни тақдим этдилар. «Узбекфильм» студиясида яқинда яратилган «Бир смена бошлиғи» бадиий фильми ҳам ёш томошабинларга ҳозирланган экран асари бўлди.

Истеъдодли кинорежиссёр С. Назармуҳамедов бошчилигида суратга олинган мазкур лентага ёзувчи Ф. Камоловнинг пионерлар ҳаётига бағишлаб ёзган қиссаси асос қилиб олинди.

Фильмда қўпгина ёш истеъдодлар қатнашиб, қизиқарли ролларни олиб чиқишди. Янги постановканинг бош қаҳрамони Б. Назаров образини эса қозоқ актёри Ж. Худойберганов яратди. Фильмнинг яна бир етакчи образи Асал эса истеъдодли ўқувчи Н. Каримова ижросида ўз бадиий талқинини топди.

Янги фильм ўқувчи ёшлар маънавий оламини бадиий акс эттирувчи лента сифатида ҳам эътиборга лойиқдир.

С. ОДИЛОВА.

ЗАРУР ТАДБИРЛАР

⊙ УЗБЕКИСТОН ССРнинг давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга оширишда халқ таълимининг турли бўғинларида ҳам зарур тадбирлар кўрилмоқда. Мактабгача тарбия муассасаларида болаларнинг ўзбек тилида эркин сўзлашишларини таъминлаш йўлида ҳам илмий-методик кузатишлар олиб борилмоқда.

Болалар боғчалари мисолида тайёрланган программа ва методик тавсияларни тайёрлашда ҳам бундай самарали изланишлар қўл келди. Ҳозирланган бу қўлланмаларнинг икки хил намунаси синовдан муваффақиятли ўтди.

Кичкинтойлар даргоҳи методист ва тарбиячилари учун зарур ҳисобланган ушбу программа ва тавсиялар яқин вақт ичида «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилади.

С. ОБИДОВА.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

⊙ «Средазнефтегазстрой»нинг 1-қурилиш бошқармаси болалар муассасаларини бунёд этиш билан ҳам шуғулланмоқда. Шаҳримизда қад кўтарган бундай масканлар ўзининг нафис меъморчилик безаклари билан ажралиб турибди.

Чилонзор районининг сўлим болалар боғи ёнида тиклана ётган кўркам бино ўзига хос рамзий маъно касб этади. Мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган бу клубнинг айнан шу ерда қурилиши ёшлар комплекс марказини бунёд этиш режасини амалга оширишда қўйилган муҳим қадамдир.

Ёшлар клуби лойиҳасини тайёрлаш ишига «Центросоюзпроект» институти филиалининг бир гуруҳ архитектор ва инженерлари яқиндан бош қўшдилар. Қурилиш эса қурилиш бошқармасининг болғар бинокорлари гуруҳлари томонидан олиб борилмоқда.

Клуб биносининг биринчи қаватн дид билан сайқал топади. Рангли мармар, нақшин ёғоч ўймакорлигн, кулолчилик материалларидан кенг фойдаланилади.

Шуниси эътиборга лойиқки, бу қаватда ўқувчиларнинг завқли дам олишлари учун барча қулайликлар муҳайё этилади. Бинога кираверишга улкан акварнум ўрнатилиб, унда турли хил балиқлар боқилади. Бу ажиб манзара атрофида турли учрашувлар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтади.

Клуб барча акварнумчи ҳаваскорларни бирлаштирувчи марказ сифатида ҳам хизмат қилади.

А. ВАЛИЕВ.

ҚЎЛЛАНМАЛАРГА АСОС

⊙ ҲАР бир тил ўзининг лексик ва услубий хусусиятларига эга бўлиб, тараққий этиб боради. Немис тили ҳам бой имкониятларга эга. Унинг ана шу томонларини илмий асосда ўрганиш борасида Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти мутахассис олимлари бир қанча жиддий кузатишларни олиб бормоқдалар.

Олий ўқув юрти немис тили лексикаси ва стилистикаси кафедраси йўли билан олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам яхши самаралар бермоқда. Бундай изланишлар муваффақиятини таъминлашда кафедранинг хорижданги филолог олимлар билан илмий ҳамкорлиги ижобий роль ўйнамоқда.

Таниқли методист олима С. Кестен бошчилик қилаётган бу кафедра Германия Демократик Республикасидаги Лейпциг дорилфунунининг етакчи тилшуносларн билан бамаслаҳат иш тутиб, қатор муаммоларга қўл урди. Ушбу дорилфунун профессорларидан В. Дитце ва В. Флейшерлар ҳам тошкентлик ҳамкасблар меҳрини қозондилар. Шунингдек, Берлин дорилфунуни профессори Е. Райснер кафедра билан, яқиндан боғланиб, қимматли маслаҳатларини бериб турибди. Немис ёзувчиси Л. Ренн асарларининг услубий хусусиятлари бўйича ҳам илмий ишлар бошлаб юборилди.

Мазкур изланишлар немис тилини ўқитиш методикасига бағишлаб чиқариладиган қўлланмалар учун бой материал бўлиб хизмат қилади.

Кафедра мудири С. Кестен эса жумҳурият «Билим» жамиятининг аъзоси сифатида немис ёзувчиларн ижодиётига доир кўплаб мазмунли лекциялар билан чиқди. Немис классик адабиётига бағишланган суҳбатлар тингловчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

А. АЛИЕВ.

АСАЛ ЕГАН КАСАЛ БЎЛМАС

Қуруқ иссиқлиги иккинчи миқдор, Яра билан иллат ундан тор-мор. Бадандаги ҳар хил тўсиқни очар, Асаб иллатларн ундан тез қочар, Совуқ меъда учун куч-қувватн бор, Заиф кўзга яна нур қилар инсон. («Ҳакимлар ҳикоятн»дан).

Ширин-шарбатлар ичида асал шифобахшлиги билан неъматларнинг султони ҳисобланади. Қарангки, асал яратувчи асаларн инсондан тахминан 50—60 минг йил илгари пайдо бўлган экан. Кўпгина тарихий далиллар қадимги одамлар асални билишганн ва ундан фойдаланишганига шоҳидлик беради.

Қадим Мисрда, тахминан олти минг йил муқаддам одамлар кабутарлар ва товуқлар билан бир қаторда асаларичилик билан шуғулланишган. Асаларичилик айниқса қадимий Румода ривожланган. Асрлар мобайнида кўпгина олимлар ва ҳакимлар асаларининг фойдаси ҳақида кузатиш олиб боришган. Кейинги пайтда дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг бир қанча илмий-текшириш институтларида асаларичилик маҳсулотларининг фойдали ва доривор сифатлари ҳар томонлама кенг ўрганилмоқда.

Ари асали — бу табиий маҳсулот бўлиб, ўзининг доривор сифатлари бўйича, табиий дори-дармонлар ичида биринчи ўринда туради. Бу, доривор ўт-гиёҳлар ва гулларнинг табиий маҳсули. Асал таркибида дармондорилар, қонни янгиловчи модда-моддалар бўлиб, асабни тинчлантиради ва тўқималарга янги ҳаёт бахш этади.

Янги асал — бу ярим қуюқ модда бўлиб, вақт ўтиши мобайнида қота бошлаб, кристаллсимон массага айлана борадиган, таъми ширин, хушбўй маҳсулот. Ранги эса асалари қай даврда ва қандай гул ёки доривор ўсимликлардан олинганлигига қараб очсариқ рангдан токи кўкимтир-қўнғир ранггача бўлиши мумкин. Шунисн эътиборга лойиқки, асалнинг ранги қанчалик қўнғирлашиб борса, унинг таркибидаги кўплаб дармондорилар, ҳар хил фойдали модда ва маъданлар миқдори ҳам орта боради.

Кўпинча биз кишиларнинг: «Тоза асалми, у-бу нарса қўшилмаганми?» деган сўзларини эшитамиз. Бу ҳақли савол. Баъзи қаллоб кишилар асалга «у-бу» қўшиб, унинг сифатини айнатадилар.

Хўш, табиий асалга, юқорида айтганимиздек, баъзи бир озуқалардан қўшилса унинг таркиби бузилиши мумкинми? Жумладан, асил асалга қамиш шакари, картошка, маккажўхори, ун, бўр, ёғоч қипиқлари ва бошқа моддалар қўшилган бўлиши мумкин. Асалга ун, крахмалга ўхшаш моддалар қўшилган деб шубҳаланганда, уни қуйидагича билиб олиш мумкин: дистилланган сувда суюлтирилган асал эритмасига бир неча томчи оддий йоднинг спиртли эритмаси томизилади. Эритманинг кўк рангга бўялиши, шубҳамизнинг ҳақ эканлигининг исботидир. Шакар қиёми аралашмасини аниқлаш учун 5—10 фоиз асалнинг сувдаги эритмасига бироз азот кислотасидан қўшилади. Оқ кумуш хлор чўкмасининг пайдо бўлиши ҳам шубҳамизнинг исботидир.

Асил асалнинг моҳиятига таъриф йўқ. Қадимда адиб ва табиблар асалнинг киши умрининг узайтирувчи моҳиятига катта эътибор беришган. Буюк файласуф ва риёзатчи Пифагор табаррук ёшга киришнинг сабаби, асал истеъмол қилишидан деб билган.

Асалнинг яна бир моҳиятларидан бири, унинг моддаларни сақлаш хусусиятидир. Асалнинг бу хусусиятини билган қадимги мисрлик ва румликлар ундан озиқ-овқат маҳсулотларини, гўштни сақлаш ва ҳатто мурдаларни мўмиёлашда кенг қўллаб келганлар. Айтишларига қараганда, Искандар Зулқарнайннинг жасадини бутун Мисрнинг иссиқ саҳароларидан Македонияга асал тўлдирилган тобутда олиб келишган экан. Кўп давлатлар, жумладан, Шри Ланка аҳолиси шу кунларда ҳам гўшт маҳсулотларини сақлашда ана шу қадим усулдан фойдаланиб келадилар.

Энг қадимий Хитой адабиётларида бундай ёзилган:

«...Асал ички аъзоларни даволайди, иссиқликни туширнб, куч бағишлайди. Уни сурункали истеъмол қилиш асабни мустаҳкамлайди, баданга енгиллик бахшида қилади, ёшликни ва шунга мутаносиб умрни узайтиради».

Буюк аллома Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари»да даволаниш учун бир қанча тавсияномаларни берадики, уларнинг асосий таркибига асал киритилади. Унинг ёзишича асал — тетиклик бағишловчи, овқат ҳазм бўлишини енгиллаштирувчи, балғам кўчирувчи, иштаҳа очувчи, ёшликни узайтириб эслаш қобилиятини мустаҳкамлайди. Яраларни, қўтирни, чипқон ва ҳатто ошқозон-ичак касалликларини даволашда фойдаланилади.

Эслатма сифатида шуни айтиш жоизки, яъни қадимий ва ҳамиша тўкин дастурхонимиз кўрки бўлмиш асални ҳар бир дардга даво экан, деб кенг қўллаш ёки истеъмол қилиш айрим асоратларга олиб келиши мумкин. Халқимизнинг ажойиб мақолларидан бирида айтилганидек: «Асалнинг ҳам ози ширин», зеро ҳар бир нарсанинг меъёри бор. Жумладан, асални озиқ-овқат таркибида сероглеводли маҳсулотлар истеъмол қилиш мумкин бўлмаган беморларга, асалга аъзои-тани ўта сезгир кишиларга, қандли диабет хасталиги бор беморларга, бронхиал астма касаллиги бор беморларнинг нафаси қисилиб турган даврда, юрак хасталаниб, киши қисилиб турган даврда, киши нохушлик сезиб турган вақтда истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Асални дори деб билган киши уни малакали шифокорлар билан маслаҳатлашиб, аниқ тавсияномалар асосида қўллаб, кўнгилдаги натижаларга эришилади. Шунда асал минг дардга даво бўлади.

Ботир АҲМЕДОВ, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси, 1-даражадаги малакали доришунос.

Орзулар армонга айланмасин

ГЎДАК сўнгги нафасини олаяпти, юраги уриши тез. Кўз қорачиғлари тепага қараб кетаяпти, дўмбоқ қўлчалари мушт бўлиб тугилган. Митти муштида бутун иродаси жамлангандек. Қўшни хонада «ҳақ», деб ўтирган онанинг тўсатдан отилиб чиққан фарёдини ҳеч ким тўхтата олмайди. Ҳамширалар эса зир югуришади. Навбатчи шифокор умидсизлигини яширишга уринади, аммо жиддий бўлиб олади. Балки у ҳам мўъжиза кутар. Ахир қандай бўлмасин гўдакни сақлаб қолиш керак. Реанимация хонасида ётган бу норасида ҳали ҳаётда нима кўрибди, унинг бундай азоб тортиб ётишига ким сабабчи?

...Зулайҳо (аёлнинг чеккан азоблари ўзига етиб тургани учун унинг ҳақиқий исмини яширишни лозим топдик) беш ойлик ўғилчасини чўмилтириб, бешикка белади-да, уйни йиғиштиришга тутинди. Уч яшар беҳзод бидирлаб, умажонининг атрофида парвона бўлардн. Жонсарак она шўх ўғилчаси қоқилмасин деб, тоғорадаги сувни кўтариб, ташқарига чиқиб кетди. Ака меҳрибончилик қилиб, бешикдаги укасининг оғзига марганец кукунини қуйиб юборди. Мудҳиш ҳодиса содир бўлди. Гўдакнинг оғзи, нафас йўллари куйиб, шишиб кетди. Болани зудлик билан район касалхонасига, ундан кейин Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар касалхонасига олиб келишди.

— Уч кун давомида бола тортган азобларини таърифлаб беришга ожизман, — деди ҳамшира куюниб. — Баъзан навбатчилигимизга юрак ҳовучлаб келамиз. Аввалги сафар қабул қилиб олинган беморлар соғайиб қолдими, ё?.. — Ферузанинг қўллари чақнон ҳаракат қилади. Тун ярмидан оққан бўлишига қарамай боладан кўз узмай ўтирадн, чунки у мана шу реанимация хонасининг масъулиятли ҳамшираси.

Биз токсикология бўлимининг мудири Нина Андреевна Чурсина ва тажрибали врач Нодир Мирномиловичдан беморлар ҳақида сўраймиз. Улар афсус билан бош чайқаб, заҳарланиш марказига бир кунда ўрта ҳисобда ўнга яқин бола келаётганини айтишди. Мана, қўлимизда бир ойлик ҳисобот, аниқроғи айрим гўдакларнинг қисматн:

Бир ярим ёшли Азиз таблетка дорндан заҳарланиб, касалхонага беҳуш ҳолда келган эди. Эртасигаёқ аҳволи яхшиланди ва врач назоратида даволаниш шарти билан уйига жўнатилди.

Опа-сингил Феруза (уч ярим ёш) ва Ҳилола (икки ёш) кўзга томизиладиган дорндан ичиб қўйишган. Касалхонага келтирилганда ҳушсиз эдилар. 4 кун давомида соғайиб, уйга кетишларига рухсат берилди.

Гўдакларнинг заҳарланиши ҳар донм ҳам яхши натижалар билан тугамаяпти. Айрим болалар натталарнинг бепарволиги, нотўғри даволашлари оқибатида нобуд бўлмоқдалар. Абдуҳаким (икки ёш) «хуни»дан заҳарланиб, тўрт кун давомида ҳаёт билан нурашди. Боланинг мурғак юраги кучли заҳарланишга дош беролмади.

Мен заҳарланиб, касалхонага келтирилган болаларни ўз кўзим билан кўрдим. Оғриқ азобида илтижоли боқкан кўзлар бир умрга ёдимда муҳрланиб қолди. Азиз оналар, ёруғ дунёга келиб, яшаш насиб этмаган гўдаклар ҳаққи, фарзандларингизни асранг, дегим келади.

Соҳиба АБДУЛЛАЕВА.

Тиббий муассасаларда







⊙ ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА. Тошкент шаҳар юк ташиш автохўжалигига қарашли тиббий санитария қисмининг бир гуруҳ шифокорлари: врач Ф. Назарова, тиббий ҳамшира И. Лелинова, ўртадаги суратда эса А. Карпов бошчилигидаги жарроҳлар гуруҳи ҳамда тиббий ҳамшира К. Маметова.

Р. Шарипов суратлари.

ГЎЗАЛЛИК МУХЛИСЛАРИ, МАРҲАБО!

Соғлиқ ва гўзаллик тушунчаси бир-биридан ажралмасдир. Чиройли бўлиш ҳам соғлом бўлиш демакдир.

Соғлиқ ва ораста-озодалик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги жуда қадимдан маълум. Шифокорлар инсон руҳи тетик бўлиши учун тинимсиз ғамхўрлик қилиб, турли чора ва тадбирлар кўришаяпти.

Агар терини турли-туман доғ қопласа, юзда ҳуснбузар ҳаддан ташқари кўпайиб кетса, аъзо-таннинг бирор ерига сўгал, катта-кичик ҳоллар тошса, баъзилар бирор шифохонага бориб мурожат қилишга ҳижолат чекишади.

Теридаги ўзгариш ва ҳар хил тошмалар асосан жинсий етилиш даврида юзага келади, чунки бу даврга келиб ўсмирлар аъзои-танидаги ҳужайра-безлар фаолиятида ўзгаришлар содир бўлади. Ички таъсирлардан ташқари, ташқи омиллар ҳам касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, упа-элик каби орасталик маҳсулотларидан нотўғри фойдаланиш натижасида ҳам шу ҳол юз бериши кузатилади.

Серқуёш диёримизнинг иқлим шароити юзда ва тананинг очиқ қисмларида ҳар хил доғлар сепкиллар, ва сўгаллар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Одатда доғлар ички аъзолар касаллиги билан боғлиқ бўлади, жумладан ошқозон-ичак касалликлари, жигар, буйрак устки бези, камқонлик ва қонда ҳар хил маъданлар ва дорилиқлар ундан озиқ-овқат маҳсулотларини, гўштни сақлаш ва ҳатто мурдаларни мўмиёлашда кенг қўллаб келганлар. Айтишларига қараганда, Искандар Зулқарнайннинг жасадини бутун Мисрнинг иссиқ саҳароларидан Македонияга асал тўлдирилган тобутда олиб келишган экан. Кўп давлатлар, жумладан, Шри Ланка аҳолиси шу кунларда ҳам гўшт маҳсулотларини сақлашда ана шу қадим усулдан фойдаланиб келадилар.

Энг қадимий Хитой адабиётларида бундай ёзилган:

«...Асал ички аъзоларни даволайди, иссиқликни туширнб, куч бағишлайди. Уни сурункали истеъмол қилиш асабни мустаҳкамлайди, баданга енгиллик бахшида қилади, ёшликни ва шунга мутаносиб умрни узайтиради».

Буюк аллома Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари»да даволаниш учун бир қанча тавсияномаларни берадики, уларнинг асосий таркибига асал киритилади. Унинг ёзишича асал — тетиклик бағишловчи, овқат ҳазм бўлишини енгиллаштирувчи, балғам кўчирувчи, иштаҳа очувчи, ёшликни узайтириб эслаш қобилиятини мустаҳкамлайди. Яраларни, қўтирни, чипқон ва ҳатто ошқозон-ичак касалликларини даволашда фойдаланилади.

Эслатма сифатида шуни айтиш жоизки, яъни қадимий ва ҳамиша тўкин дастурхонимиз кўрки бўлмиш асални ҳар бир дардга даво экан, деб кенг қўллаш ёки истеъмол қилиш айрим асоратларга олиб келиши мумкин. Халқимизнинг ажойиб мақолларидан бирида айтилганидек: «Асалнинг ҳам ози ширин», зеро ҳар бир нарсанинг меъёри бор. Жумладан, асални озиқ-овқат таркибида сероглеводли маҳсулотлар истеъмол қилиш мумкин бўлмаган беморларга, асалга аъзои-тани ўта сезгир кишиларга, қандли диабет хасталиги бор беморларга, бронхиал астма касаллиги бор беморларнинг нафаси қисилиб турган даврда, юрак хасталаниб, киши қисилиб турган даврда, киши нохушлик сезиб турган вақтда истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Асални дори деб билган киши уни малакали шифокорлар билан маслаҳатлашиб, аниқ тавсияномалар асосида қўллаб, кўнгилдаги натижаларга эришилади. Шунда асал минг дардга даво бўлади.

Ботир АҲМЕДОВ, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси, 1-даражадаги малакали доришунос.

ДАВОЛАНИШ БЎЛИМИ

БУНДАН бир йил илгари Ишчилар шаҳарчасидаги 21-поликлиника қошида пойтахтда биринчи бўлиб даволаниш бўлими очилган эди. Ўтган вақт ичида 529 нафар бемор шифо топиб, дарддан фориғ бўлди.

Мазкур муассасанинг қулайлиги шундаки, бетоб кишилар кундузи муолажа олиб, кечқурун яна уйларига қайтадилар. Беморлардан Ислом Нажмиддинов, Худоёр Абдусамадов, Зора Мамутова, Ойбегим ая Афзаловалар билан суҳбатлашганимизда, бундай усул маъқул бўлаётганини таъкидлашди.

Малакали шифокорлар ва ҳамширалар бор маҳоратларини ишга солиб, тиббий хизмат кўрсатишаяпти.

Абдуфаттоҳ НАБИХУЖАЕВ, шахсий пенсионер.

Анъаналар—халқ мулки



⊙ ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК, ШОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК — ТУРМУШ ТАРЗИМИЗНИНГ РАМЗИ. Мана бу лавҳаларда миллий анъаналаримиз ва бахтиёрлик акс этган.

Х. Шодиев суратлари.

Дўстлик чаманзорида

«Обод»ликлар азалдан меҳмондўст. Бу маҳалла аҳлининг бирортасиникига меҳмон келиб қолса, қўни-қўшнилар дарҳол йўқлашади, шу боисданми, Наврўз байрами дўстлик чаманзорига айланиб кетди. Тантанага рус, украин, татар, қозоқ ва бошқа миллатдаги нишлар, қўшни маҳаллалардан вакиллар, ҳатто қардош Қозоғистон жумҳуриятининг Турбат қишлоғидан меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Баҳор неъматлари билан безатилган дастурхон атрофидаги суҳбат асосан урф-одатлар, Наврўз, инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ҳақида борди.

Дастурхонга Наврўзнинг шоҳ таоми — ҳалим тортилгач, маҳалланинг ҳаваскор хонандалари куй-қўшиқлар билан даврага файз киритдилар. Октябрь районидаги 95-мактаб ўқувчилари ҳам байрам программаси намойиш этишди.

Анъанавий маросим маҳалла аҳли бузилмас дўстлигини намоён этди.

Н. АЗИЗОВА,
ТошДУ филология факультетининг талабаси.

Ҳукм ўқилгандан сўнг

ТОВЛАМАЧИНИНГ ҚИЛМИШИ

«Нима қилиш керак?» Бир неча кунки, Баҳодир Азизовнинг хаёлини шу савол тарк этмасди. Худди шу кезларда у Собир Раҳимов район ҳарбий комиссариатига чақирув қоғози билан келиб қолди. Қидириб 20-хонани топди. Аста эшикни очиб қараса ичкарида ҳеч ким йўқ. Стол устида турли ҳужжатлар уюми, улар билан ёнма-ён иккита паспорт ётарди. Бирдан йигитнинг нияти бузилди.

У бутун фикри-зикрини банд этган юқоридаги саволга жавоб топгандек бўлди. Мамнун жилмайиб қўйди. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб ҳар иккала паспортни чўнтагига урди-ю, бегона кўздан қочиб қолди.

«Мана бу билан энди «фойдали» иш қилса бўлади», ўйларди у. Нима бўлди-ю, унинг «кутлуғ» қадами Келесдаги 7-ғишт заводи бошқармаси дарвозасига ҳам етди. У ишга жойлашиш баҳонасида корхона кадрлар бўлимига кирди. Кадрлар бўлими бошлиғини гапга сола туриб тайёр муҳрланган ёзувсиз қоғозлардан бир нечтасини ўғирлашга улгурди...

Энди ҳамма гап ушбу ҳужжатлардан «унумли» фойдаланишда қолган эди. У шу ниятда Рафаэль Камильевич Ишмуҳамедов номидаги паспортни қўлига олди. Синчиклаб қараса суратдаги йигит қайси жиҳатлари биландир ўзига ўхшаш экан. Айни муддао.

Эртасига у Қорақамиш 1/2 даҳасига жойлашган аҳолига ижара хизмати кўрсатувчи 19-пункт олдида пайдо бўлди. Бу ерда у Рафаэль Ишмуҳамедов номига ёзилган паспорт орқали баҳоси 720 сўмлик «Радуга — 304» рангли телевизорни расмийлаштирди. Орадан уч кун ўтиб худди шу ердан яна бир баҳоси 555 сўмлик «Лазур—714» рангли телевизорни ижарага олиб кетди. Бели оғримай қўлга киритилган буюмларни у арзон-гаров сотиб еди.

Жомий кўчасидаги ижара пункти олдига такси машинаси келиб тўхтади. Ундан тушган сервиқор йигит майда қадамлар билан ичкари кирди.

— Менга «Электроника 12 ВМ» маркали магнитофон керак эди. Ижарага олиш мумкинми?

— Марҳамат. Ҳужжатларингизни расмийлаштиринг, — дейишди хизматчилар. Орадан 10 минут ўтар-ўтмай 1200 сўмлик магнитофон қўлга киритилди.

Кейинчалик Усмон Юсупов, Навоий кўчасидаги ижара пунктлари хизматчиларининг ҳам «оғзи куйди».

Халқимизда «Кўза ҳар куни эмас, кунида синади» деган нақл бор. Товламачи Баҳодир Азизовнинг ҳам «хушчақчақ ва бахтли кунлари» орқада қолди. Кўзаси синди.

Собир Раҳимов район халқ суди товламачи Б. Азизовнинг қилмишига яраша одил ҳукм чиқарди. У етти йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

М. КОМИЛЖОНОВ.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» газетасининг навбатдаги сони 5-апрелда чиқади.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КООПЕРАТИВЛАР, ЯККА ТАРТИБДА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1990 йил 19 апрель куни Қозоғистон ССРнинг Чимкент шаҳрида ЯРМАРКА ўтказилади. ЯРМАРКАДА КООПЕРАТИВЛАР ВА ЯККА ТАРТИБДА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ СОТИБ ОЛИНАДИ.

Ярмаркада иштирок этмоқчи бўлганлар меҳмонхонада ўрин олиб қўйиш учун шу ҳақда 5 апрелга қадар 486011, Чимкент шаҳри, Коммунистик кўчаси, 80-уйда жойлашган область савдо бошқармасига хабар қилишлари лозим. Телефонлар 45-443, 43-428.

Чимкент область савдо бошқармаси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Бўш шиша идишларни топширинг!

Ватанимизда ишлаб чиқарилган барча турдаги минерал сув, лимонад, пиво, сут маҳсулотлари ёки мойдан бўшаган шиша идишларни Сергели районидаги ихтисослаштирилган қуйидаги магазинларнинг қабул пунктларига топшириш мумкин:

1-магазин — Йўлдош шаҳарча, Биродарлик кўчаси, иш вақти соат 9 дан 20 гача, тушлик танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 58-54-44.

2-магазин — Йўлдош шаҳарча, 6-квартал, Смоленск кўчаси, иш вақти соат 9 дан 20 гача, тушлик танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 58-74-48.

3-магазин — Полевая кўчаси, 54-уй, иш вақти соат 9 дан 20 гача, тушлик танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 55-51-86;

4-магазин — Йўлдош шаҳарча, 16-квартал, Московская кўчаси, 53-уй, иш вақти соат 8 дан 20 гача, телефон 58-58-33.

6-магазин — Восточная кўчаси, 1 «а»-уй, иш вақти соат 10 дан 19 гача, тушлик танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 57-94-45.

7-магазин — Эркин посёлкаси, иш вақти соат 8 дан 20 гача, тушлик танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 53-69-00.

9-магазин — Қўйлиқ-6 мавзеси, иш вақти соат 8 дан 20 гача, тушлик танаффус соат 14дан 15 гача, телефон 92-42-48.

12-магазин — Йўлдош шаҳарча, 5-квартал, Дўстлик кўчаси, 30-уй, иш вақти соат 8 дан 20 гача, тушлик танаффус соат 13 дан 14 гача, телефон 58-37-53.

14-магазин — Заречная кўчаси, 71-уй, иш вақти соат 10 дан 19 гача, тушлик танаффус соат 13 дан 14 гача, телефон 57-04-03.

16-магазин — ГА—6-авиашаҳарча, иш вақти соат 10 дан 19 гача, тушлик танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 99-86-01.

19-магазин — Сергели—1, Сергели кўчаси, 57-уй, иш вақти соат 9 дан 20 гача, тушлик танаффус соат 13 дан 14 гача, телефон 57-04-38.

25-магазин — Сергели—4, Қалинин кўчаси, 36-уй, иш вақти соат 9 дан 20 гача, тушлик танаффус соат 13 дан 14 гача, телефон 58-54-40.

26-магазин — Қўйлиқ—5 мавзеси, 114-уй, иш вақти соат 9 дан 20 гача, тушлик танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 90-86-22.

27-магазин — Сергели—2 мавзеси, иш вақти соат 9 дан 20 гача, тушлик танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 58-05-95.

Барча магазинлар қошидаги қабул пунктлари дам олиш кунисиз ишлайди.



Сергели район озиқ-овқат савдоси идораси.

Шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланувчи тошкентлик абонентлар диққатига!

Янги автомат алоқа йўналишлари— сизнинг хизматингизда!

Йўналишлар номи	Код	Маълумот бюроси
ОЛМАОТА ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗЛАРИ:		
Норинқўл	32779	21158
Чунджа	32778	—
ГОРЬКИЙ ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗЛАРИ:		
Воротинец	83164	21222
Бутурлино	83172	21260
Пильна	83192	21487
ЖАМБУЛ ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗЛАРИ:		
Асса	32633	21284
Оққўл	32641	21682
Бурное	32635	91566
Бойқадам	32639	21104
Георгиевка	32636	91556
Жанатас	32634	60702
Луговое	32631	21150
Мерке	32632	21259
Михайловка	32637	21077
Новотроицкое	32638	31455
Фурмановка	32642	21848
Чу	32643	21259
ИРКУТСК ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗЛАРИ:		
Иркутск	3952	244311
Усолье-Сибирское	39543	22201
Чунский	39567	91131
Шелехов	39510	—
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРНИНГ РАЙОН МАРКАЗИ:		
Ленинобод	32133	—
МАРИ ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗЛАРИ:		
Байрамали	37064	21209
Иолотань	37060	—
Туркман Қалъа	37069	—
Тахтабозор	37068	—
НОВОСИБИРСК ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗЛАРИ:		
Болотное	38349	22222
Киштовка	38371	21222
Черепаново	38345	22222
ӮШ ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗЛАРИ:		
Баткен	33254	22111 23111
Жалолобод	33231	32655
Қорасув	33232	21112
Қаниш-кия	33259	21109
Қора-Қулжа	33249	21131
Гулча	33252	21112
Ўзган	33233	22040
Тошқўмир	33245	—
Тўхтағул	33247	22972
РОСТОВ ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗИ:		
Родионово-Несветайская	86340	—
САРАТОВ ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗИ:		
Воскресенское	74568	—
СТАВРОПОЛЬ ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗИ:		
Грачевка	86540	30022
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗЛАРИ:		
Красногорск	275+6+номер (фақат 4ХХХ—АТС га чиқилади).	
Хасково	294	
ЧЕЛЯБИНСК ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗЛАРИ:		
Агаповка	35140	23222
Еткуль	35145	91545
Магнитогорск	35137	73333
Миасс	35135	53222
Октябрьское	35158	21333
Троицк	35163	22222
Фершампенуаз	35157	22342
Чебаркуль	35168	22222
Южноуральск	35134	52226

АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

21, 22, 23, 24, 29, 32, 33, 34, 35, 39, 40; 41, 45, 46, 47, 48; 53, 54, 55, 56, 57, 58; 61, 62, 63, 64, 65, 67, 68, 69; 72, 74, 75, 76, 77, 78; 90, 91, 92, 93, 96, 97, 98-АТСлар; 395-АТС абонентлари шаҳарлараро автомат-телефон алоқасидан фойдаланишлари мумкин.

ЭСЛАТМА: 42 ва 44-АТСларнинг абонентлари кодни ва чақирилаётган абонент номерини тергандан кейин ўз телефон номерларини теришлари керак.

Автомат алоқа бўйича имтиёзли тариф белги кунлари соат 18 дан 24.00 гача ва 00.00 дан 07.00 гача, дам олиш ва байрам кунлари — кечаю-кундуз мобайнида амал қилади.

Автомат алоқа бўлмаган йўналишларга 07 (маълумотлар олиш учун 007) телефони орқали буюртма қабул қилинади.

Халқаро сўзлашувлар учун 44-39-41 (аввалги 44-09-11 ва 44-23-05 ўрнига) телефони бўйича қабул қилинади.

Хабар қилиш кўрсатилган шаҳарлараро телефон сўзлашувларига 44-08-13 ва 44-09-12 телефонлари бўйича буюртма қабул қилинади. Аҳоли ва корхоналар учун ,шунингдек қуйидаги телеграф алоқаси хизматлари ҳам ҳавола этилади:

Тошкент телеграф-телефон станциясида телеграф жўнатмаларидан ташқари барча турдаги телеграммаларни қабул қилиш;

44-39-21 телефони бўйича — аҳолидан (тасдиқланган ва халқаро телеграммалардан ташқари), 44-50-58 телефони орқали —телеграф алоқасига эга бўлмаган корхоналар ва муассасалардан — кредитга телеграмма қабул қилиш;

«ТЕЛЕКС» тармоғидан фойдаланиш (Навоий кўчаси, 28-уй, телефон 44-50-58);

ГДР ва Чехословакияда ишлаб чиқарилган телеграф аппаратларига техника хизмати кўрсатиш.

Маълумотлар олиш учун телефон 44-34-97.

ШАҲАРЛАР ВА РАЙОН МАРКАЗЛАРИНИНГ ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚАСИДАГИ

ЎЗГАРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Олмаота вилоятининг Иссиқ район марказидаги телефон номерлари 4 хоналидан 5 хоналига (2 рақамини қўшиш билан) ўзгарди, маълумотлар бюроси 20000.

Ленинградда шаҳар телефон станциясининг маълумотлар бюроси — 812+9909111 га чиқиш ташкил этилди.

Ростов вилоятининг Семикаракорск район марказидаги маълумотлар бюросининг номери — 09111.

Тюмендан чиқиш тартиби қуйидагича —3452+ХХХХХХ, маълумотлар бюроси 222096.

Сочида 15 апрелдан бошлаб абонентларга чиқиш тартиби ўзгаради: 862+2+АТС номери терилади.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
3, 7, 21, 26 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 19.30 да

Премьера
Муҳаммад ХАЙРУЛЛАЕВ асари

Ж А Р

(икки пардали замонавий фожиа)

Саҳналаштирувчи режиссер — Сергей КАПРИЕЛОВ
Рассом — Анатолий ЖИБОЕДОВ.

Спектаклда Ўзбекистон ССР халқ артистлари Яйра АБДУЛЛАЕВА, Ҳамза мукофотининг лауреатлари Икрома БОЛТАЕВА, Ойдин НОРБОЕВА, Ширин АЗИЗОВА; жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар, Ҳамза мукофотининг лауреатлари Гавҳар ЗОКИРОВА, Бахтиёр ҚОСИМОВ, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ; артистлардан Луиза ҚУЛАБДУЛЛАЕВА, Муқаддас ШОЖАЛИЛОВА, Маҳфуза БОБОТУЛЛАЕВА, Гулчеҳра ИБРОҲИМБЕКОВА, Фотиҳ ЖАЛОЛОВ, Фатхулла МАСУДОВ, Қаҳрамон АБДУРАҲИМОВ, Жамшид ЗОКИРОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Мурожаат қилиш учун телефонлар: 44-24-47, 44-17-51.

ҲУРМАТЛИ КИТОБХОНЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КИТОБ ДЎКОНЛАРИДА ўзбек тилида эркин гапиришни тез ўрганишда ёрдам берадиган, таржима ишларида қўлланиладиган 60 минг сўздан иборат бўлган

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИККИ ЖИЛДЛИ «ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ» КИТОБИ СОТИЛМОҚДА

Москва шаҳридаги «РУС ТИЛИ» нашриётида чоп этилган «ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ»нинг 1-ЖИЛДИ — 8 сўм 20 тийин, 2-ЖИЛДИ — 7 сўм 30 тийин туради.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги 20-кечки сменали ишчи-ёшлар ўрта мактаби томонидан **Қамбаров Салохиддин Сайфутдинович** номига берилган 993706 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкентдаги 1-автокомбинат қошида

«КЎҲНА ШАҲАР» АВТОКООПЕРАТИВИ **ОЧИЛДИ**

Хоҳловчи ўртоқлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 315-«а» уй. Телефон: 48-55-80.

Тошкент шаҳар, Киров районидаги 97-ўрта мактаб томонидан **Бекова Наргиза Абраловна** номига берилган 732814 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Компартияси Киров район комитети ва халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитети жамоалари ижроия комитет раисининг ўринбосари Н. Х. Жабборовга отаси

Ҳасанбой ЖАББОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат табобат институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда II даволаш факультетининг 4-ички касалликлар кафедраси жамоаси шу кафедра ассистенти, табобат фанлари номзоди Д. Н. Салимовга онаси

Жамила ЗОКИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/IV да **Зебуннисо**, 4/IV да **Богчасарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да **Жар** (19.30), 4/IV да **Пуч** (19.30)

КИНО

3, 4. АПРЕЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҚОРА ШАҲЗОДА» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40); «ҚОРА ШАҲЗОДА» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА», «ҚОЧИШ» (11, 14.15, 17.30, 20.45).

Москва — «КЎРИШГУНЧА ХАЙР, БОЛАЛАР» (11, 15, 19, 20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ОҚ СУЯК» (11, 13, 15, 16.30), «ТАНҲО ЎЗИ» (18, 21.00).

Восток — «СЕВИМЛИ РОЖА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «АСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).



33-29-33 — С. Б. Ёқубов, муҳаррир ўринбосари
33-57-02 — А. М. Акромов, масъул котиб
32-55-21 — А. Н. Абдуллаев, катта мухбир

БЎЛИМЛАР

⊙ Партия турмуши, совет қурилиши ва шаҳар хўжалиги:
32-57-84 — Т. М. Тошев, мудир
32-55-52 — М. О. Комилжонов, мухбир
32-53-66 — Р. З. Аҳмадалиев, мухбир
32-54-34 — Ф. А. Ҳусанова, мухбир

⊙ Иқтисод:
32-54-19 — Ҳ. И. Икромов, мудир
32-54-34 — В. Т. Мадимарова, мухбир
32-58-85 — А. С. Нуримов, мухбир.

⊙ Ижтимоий масалалар:
32-53-10 — Т. А. Расулев, мудир
32-58-85 — Р. А. Бобомуҳамедов, мухбир

⊙ Ахборот:
32-55-39 — Р. Н. Файзуллаев, катта мухбир

⊙ «Маҳалладош» иловаси:
32-53-66 — С. Б. Шодиев, мухбир

⊙ Хатлар:
33-29-70 — З. М. Аъзамхўжаева, мудир
32-57-74 — Т. Қ. Каримов, сураткаш-мухбир

⊙ Эълонлар:
33-81-42.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 01215.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—220і

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.